(Боши 1-бетда)

# ЮЛДУЗЛАРНИ КУЗАТГАНДА...

ёрқин юлдуз – Улуғбек ҳамон ёғду сочиб турибди.

Бизнинг қўлимизда Улуғбекнинг икки нодир суратлари сақланяпти. Бир рангли сурат форс миниатюр санъати мактаби намояндаси бўлган рассом томонидан XXVII асрда яратилган бўлиб, унда Улуғбекдан ташқари яна олимнинг 25 та шогирди, сарой аҳли тасвир этилган. Улуғбек шогирдлари даврасида суҳбат устида тасвирланган. Энг таниқли шогирди Али Қушчи Улуғбекнинг чап ёнида кўрсатилиб, у буюк олим билан суҳбатлашаётган ҳолда тасвирланган. Бу нодир сурат ҳақида дастлаб 1970 йили Англияда чиқадиган «History Today» («Бугунги тарих») журнали саҳифаларида таниқли инглиз олимаси ва ёзувчиси, «Жаҳонгир Темур» романининг муаллифи Ҳилда Ҳукҳем мақола эълон қилганди («History Today», London, 1970, No.3, h.209), кейинчалик бу расм Ҳенри Виенчекнинг «Осиё устида бўрон» (Henry Wiencek, Storm Across Asia, New York, HBJ Press, 1980 Printed in Italy, p.84) китобига илова қилинди.

Улуғбекнинг иккинчи сурати, тахминан, 1440 йилда Самарқандда ўз юртимиз рассоми томонидан чизилган бўлиб, Улуғбекнинг шу кунларгача топилган энг нодир сурати ҳисобланади. Бу суратнинг асл нусхаси Низомий «Хамса»си саҳифасига чизилган ва у ҳозир Туркиянинг Истанбул шаҳридаги музейда сақланади. Биз мана шу суратнинг ҳам нусхасини олишга муваффақ бўлдик.



Улуғбек шогирдлари даврасида. XVII асрда чизилган бу сурат ҳақида илк бор Лондон журналида 1970 йили хабар берилган эди.

Улуғбекнинг бу ўта нодир сурати ҳақида илк бор, асли Ўрта Осиёлик бўлган тарихчи Абдулҳай Ҳабибий ўзининг «Темурийлар даври санъати ва санъатга оид асарлар» (Абдулҳай Ҳабибий, Ҳунари аҳати Темуриён ва Мутафарриётион. Форс тилида, Ношир «Бунёди Фарҳанги Эрон», Хожа босмахонаси, Теҳрон, 2535 шаҳоншоҳи санаси, 603-саҳифа) номли китобида маълумот берган ҳамда бу суратни «Аз Султон ул-Аъзам Улуғбеки Гўрагон» («Буюк султон Улуғбек Кўрагон») деб атаган (Шу асар, 603-саҳифа).

А. Ҳабибийнинг асари 970 саҳифали китоб бўлиб, унда тарихчи олим 2642 та санъат асарига изоҳ беради. Бу олимнинг 33 та китоби чоп этилган. Унинг отаси Мулла Ҳабиб Охунд ҳам олим бўлган. Мулла Ҳабиб Охунд Улуғбекнинг «Зиж»ини шарҳлаган ва «Зижи Улуғбеки» номи билан чоп эттирган.

Замонавий китобхон Улуғбек ҳақида фикр юритганида, албатта, уни турлича тасаввур қилади.

Ҳатто ёзувчи-шоирларимиз, рассому ҳайкалтарошларимиз ҳам ўтмиш классикларимиз сажияларини ўз асарларида тиклашга ҳаракат қилганларида, нима учундир, ҳар сафар бу буюк инсонларни забардаст, тоғни урса талқон қилиб юборадиган даражадаги Алпомишлардек кўрсатадилар.

Ўрта асрларда Осиё мамлакатларида яратилган суратларда бундай эмас. Биз фикр юритаётган бу икки суратда ҳам Улуғбекнинг шакл-шамойили табиий яратилган.

Шўро ёзувчиларининг Улуғбекка берган таърифлари — кўҳна тарих бу буюк инсон ҳақида қолдирган маълумотларга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Қуйидаги бир-икки мисолга эътибор қилинг. Шўро ёзувчиси ёзади:

«Мирзо Улуғбек ёқут кўзли олтин узук тақилган ўрта бармоғи билан нақшинкор хонтахтани чертганча яна сукутга толди... Унинг ўсиқ қошлари бир-бирига туташиб, ўртасида чуқур чизиқ пайдо бўлди ...Мирзо Улуғбек йирик тилла узук тақилган шаҳодат бармоғи билан кўз ёшларини артиб, «деди».

Улуғбек ҳаётлиги вақтида чизилган суратлар шундан далолат берадики, биринчидан, Улуғбекнинг қошлари ўсиқ бўлмаган, иккинчидан, ўрта ёки шаҳодат бармоқларига у узук таққан ҳолда бирор суратда ҳам тасвирланмаган. Ва яна бутун борлиғи билан илмга берилган олимнинг ўрта ва шаҳодат бармоқларига йирик узук тақиб юриши мантиққа мос келмайди.

Шоир Шайхзоданинг Улуғбек хусусида ёзганларини ўқиганимизда, бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўламиз, «мана бу устоз шоиримиз Улуғбекнинг ҳақиқий сажиясини чизиб берибдилар» деб тан берамиз.

Улуғбекнинг Истанбул музейидан топилган бу суратида ҳам буюк олим Улуғбек ерга чордона қуриб ўтириб осмонга боққан ҳолда, якка ўзи, хаёллар оғушида тасвирланган.

Улуғбек ҳаётлигида Самарқандда чизилган бу суратда олим оқдан келган, нозик қошли, жуда бежирим соқол-мўйловли, қўллари узун, бармоқлари замонавий жарроҳ ё созанданинг бармоқлари каби нозик, узун. Унда шоҳ ва шаҳзодалар киядиган бош кийим, енги калта уст кийим, ичдан кийилган ҳарир кўйлак.

Шайхзода домланинг асарларидаги Девонбеги айтганидек, бу суратни кўрган киши буюк олимнинг «хаёлини қочирмоққа ботинолмайди» ва замонавий ўзбек шоирининг кенг тарқалган шеърини беихтиёр ёдига келтиради:

**Сезмай қолдим. Ўшанда чоғим,**
**Юлдузларда экан хаёлим.**
**Билмадим, не эди гуноҳим...**
**Мен дардимни кимга айтаман?!**

Дунё шундай тузилганки, унда ҳақиқий олимлар якка бўлади. Улар золимларга ўхшаб гуруҳлар тузмайдилар. Турли-турфа гуруҳлардан ҳақиқий олимлар хазар қиладилар.

Олимлар мисли юлдузларга ўхшайди. Асрлар давомида қаро тунга ёғду сочиб тура беради.

Золим кучлар бирлашиб, тўфон каби халқнинг бошига турфа кулфатлар ёғдиради, юлдузлар ёғдусини бироз бўлса-да тўса олади. Бироқ улардан ёмон эсдаликдан бошқа халққа яна нима қолади?!

Бу кун Улуғбек қотилларини ким эслайди, эслашни ким истайди?! Улуғбек эса ҳамон она заминга ўз ёғдусини сочиб турибди.

Навоий ҳазратлари «Мажолис ун-нафоис» асарининг еттинчи мажлисида Улуғбекнинг қотили Абдулатифга таъриф берар экан, ёзади.

«Савдойи мижоз ва васваса табъ девонасор киши
эрди. Мундан ўзга дағи ғариб бадфеълликлари бор
эрди, ким зикридин беҳижоблик лозим келур.
Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ
ва қари отасин ўлтурди. Ҳар ойинаким салтанат
Шеруяга вафо қилганча анга вафо қилди...» (Alis'ir Nevayi, Mecalisu'n-Nefayis, Ataturk Universitesi, Erzurum, 1995, S.182).

Дарҳақиқат, салтанат кимга вафо қилибдики, ўз отасига қўл кўтарган бир қотилга вафо қилса.

«Мажолис ун-нафоис»ни яна бир марта ўқиганимдан сўнг, Америка ва Оврупо мамлакатларидаги кутубхона, музейларда сақланаётган Улуғбек асарлари ҳамда ўзбек олими ижодига бағишлаб яратилган илмий тадқиқотларни яна бир бор кўздан кечириб чиқишга киришдим.

Буюк Британия ва Франциядаги жаҳонга машҳур кутубхона, музейларда ҳозирги кунларгача Улуғбек асарининг 25 та қўлёзмаси сақланиб келиняпти: олтитаси Англиянинг Британия Музейида, учтаси Париж Миллий кутубхонасида, еттитаси Англиянинг Бодлеан кутубхонасида, иккитаси Англиянинг Сейнт Жоунз Коллеж кутубхонасида, биттадан Буюк Британия Қирол Астрономия жамияти ва Кровфорд китобликларида ҳамда бештаси Лондондаги Ҳинд идораси («Indian Office»)* номи билан танилган ташкилот кутубхонасида сақланяпти (*Ҳинд идораси – India Office ҳозир Британия Музейи билан қўшилди).

Бу қўлёзмаларнинг 22 таси форс тилида ва фақат учтаси араб тилида ёзилган.

Улуғбек «Зиж»ини Буюк Британияда биринчи бўлиб Жон Гривс тадқиқ этган. 1648–1650 йиллар ўртасида Ж. Гривс Улуғбек асарини уч марта нашр эттирган.

Бошқа бир инглиз олими Томас Ҳайд 1665 йили Улуғбек асарини инглиз тилига таржима қилиб, 1018 юлдуз жадваллари билан бирга чиқарган. Томас Ҳайднинг Улуғбек «Зиж»ига бағишланган бу тадқиқоти 1767 ва 1843 йиллари қайта нашр бўлган.

1611–1687 йиллари яшаб, ижод қилган таниқли астроном Йоханнис Ҳевелиус (Ян Гевелий)нинг Улуғбекка бўлган муносабати илм аҳлига маълум. Й. Ҳевелиус Улуғбек асарини нашрга тайёрлаш билан бирга, овруполик рассомлар чизган Улуғбекнинг икки суратини ҳам асарига илова қилган.

Кейинги асрларда ҳам Улуғбек асарининг турли тилларга қилинган таржималари майдонга келди: 1807 йили Д. Александриу грек тилига, 1839, 1847 ва 1853 йиллари ота-ўғил Седийолар француз тилига таржима қилиб, чоп эттирдилар.

Улуғбек илмий мероси хусусида Г. Шарп (Оксфорд, 1767), М. Бейли (Париж, 1787), Франсис Бели (Лондон, 1843), М. де Лаплас (Париж, 1865), Э. Б. Нобел (АҚШ, Вашингтон), К. Криссиунас (АҚШ, Ҳарвард университети) ва бошқа олимларнинг илмий ишлари майдонга келди.

Барча хорижий тадқиқотчилар Улуғбек расадхонасида амалга оширилган илмий тадқиқотларга юқори баҳо беришган. Улуғбек ҳисобларининг аниқлигидан ҳайратланишган.

Астроном Ф. Бокует «Астрономия тарихи» китобида (Париж, 1925, 230-бет) ёзади:

«Юлдузларнинг фундаментал катологини Гиппархдан кейин фақат Улуғбек тузишга эришди. Унинг катологи кўпроқ қимматга эгадир; Бу католог ўн олти аср давомида яратилган иккинчи жиддий катологдир. XV асргача фақат икки астроном – Гиппарх ва Улуғбек юлдузлар катологининг аҳамиятини тушуниб етгандилар».

Таниқли астроном М. де Лаплас Улуғбекка «энг улуғ кузатувчи», деб баҳо берганди.

Улуғбек фаолияти ҳақида Ҳ. Ҳукҳем ёзар экан, у қуйидагиларга урғу беради:

«Бухорода қурдирган мадрасасига Улуғбек «Талабул илми фаризатун ало кулли муслимин ва муслимотин» – «Илм олиш ҳар бир мусулмон йигит ва қизнинг бурчидир», деб ёзилган. Бу Уйғониш даври – Ренесанс маданияти, маърифати тараққиётининг олий белгисидир».

Жаҳоннинг деярлик барча машҳур қомусларида Улуғбекнинг илмий мероси кенг тавсиф этилган. «Британия Энциклопедияси» Улуғбекка ажратилган мақоласида «Шоҳруҳнинг ўғли Темурнинг набираси бўлган Улуғбек Самарқандда ўзи қурдирган расадхонада тузган қуёш, ой ва планеталарнинг ҳаракатларига оид жадваллари ўша даврларда қўлланишда бўлган тригонометрия ва астрономия методларининг йўлини ёритди... Бу жадвал Птолемей давридан бери яратилган биринчи оригинал жадвал эди» (The Encyclopedia Britannica, vol XXVIIб Cambridge, England, 1911, P. 573_574).

«Америка Энциклопедияси, Халқаро нашри»нинг таъкидлашича, «Улуғбек асарларини араб тилида ёзган. Кейинчалик улар форс тилига таржима қилинган» (The Encyclopedia Americana. International Edition. Vol.27, Grolier Incorporated, Dansury, 1996, p. 353-d). Фанда «Улуғбек асарларини форс тилида ёзган ва кейинчалик уларнинг айримлари араб тилига таржима қилинган», деган фикр ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз лозим.

Немис Энциклопедияси «Брокҳаус» «Улуғбек Муҳаммад Тарағай 1449 йил 27 октябрда Самарқандда ўлдирилган»лигини ва олим «1437 йилгача 1018 юлдузнинг жойлашиши ўрнини аниқлаган»лигини қайд этади (Brockhaus Die Enziklopedie, v.22.F.A.Brockhaus, Leipzig-Mannheim, 1996, p.544).

Румода нашр қилинган «Италия Энциклопедик луғати» ўз саҳифасида Улуғбекка жой ажратар экан, ўзбек олимининг машҳур асари номини «Зижи Жадиди Султони» деб кўрсатади ҳамда қотил ўғил номини ҳам қайд этади (Dizionario Enciclopedico Italiano, v.12m Roma, 1961, p.499).



Туркиянинг Истанбул шаҳри музейида сақланаётган қўлёзма саҳифасига чизилган Улуғбек сурати. Бу сурат Улуғбек ҳаётлиги вақтида Самарқандда яратилган.

Бошқа бир Италия энциклопедияси — «Энциклопедиа Италиана» — Улуғбек фаолияти ҳақида кенг маълумот беради. Бунда Улуғбек, Халил Султондан ташқари яна шайтон йўлига кирган Абдулатиф хусусида ҳам тўхталиб ўтилган (Enciclopedia Italiana, v.34, Roma, 1937, p.647).

Турин шаҳрида чоп этилган «Катта Энциклопедик Луғат»да Улуғбек астроном, математик, теолог, тарихчи ва шоир сифатида ўрганилган (Grande Dizionario Enciclopedico utet, XIX. Editrice Torinese, Turino, 1973, p.56-57).

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида нашр қилинган «Катта Энциклопедия»да ҳам Улуғбекка ҳам астроном, теолог, тарихчи ва ҳам шоир сифатида баҳо берилади. Самарқандни цивилизациянинг ажойиб марказига айлантирганлиги қайд қилинади (Grande Enciclopedia. Delta Larousse. Rio de Janeiro, v., 1971, p.6829).

Улуғбекнинг замондоши, тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матла ус-саъдайн ва мажма ул-баҳрайн» асарида ёзишича, Улуғбек бир ўринда ушбу ҳикматли иборани ишлатган экан:

«Банд бар мушк на аз хорий наҳанд
ва қайд бар зар на аз камърий», яъни:
мушкни бекитар эканлар, бу унинг хорлигига ишорат эмас ва олтинга тамға босилар экан, бу унинг меъёри кам эканлигига исбот эмас.

Бу ибора Улуғбекнинг ўзига нисбатан ишлатилгандек жаранглайди.

Улуғбек мана 550 йилдан бери нафақат ўз халқи, балки дунё халқлари қалбидан жой олиб келяпти. Чунки буюклик жоҳиллик билан эмас, балки яхшилик, меҳр, саҳийлик ва оқиллик билан қўлга киритилади.

**Хайрулла Исматулла**
**Индиана университети, Марказий, Евроосиё тадқиқотлари бўлими профессори**

---

*Муҳокама учун мавзу: Бу қандай мутахассис?*

# КЕЛАЖАК АСОСИ

Жамиятнинг келажаги кўп жиҳатдан бугун амалга оширилаётган ислоҳотларга боғлиқ. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз буюк ислоҳотлар даврида яшамоқда. Бизнингча, улар ичида таълим-тарбия, маориф соҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Зероки, таълим-тарбия улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний ибораси билан айтганда, ҳаёт-мамот масаласидир. Тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олган халқимиз олдида ҳам қийин ва шарафли вазифа турибди. Бу вазифа «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга оширилишини тақозо этмоқда. Бинобарин, буюк келажак қуриш йўлида дастлаб ана шу муаммони бартараф этиш лозим. Хўш, шундай экан, бу соҳада олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидайми? Қандай муаммо ва камчиликлар бор? Бор бўлса, уларни қандай ҳал қилиш мумкин? Умуман, таълим-тарбия ишларида нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

Саволлар кўп. Ҳар бир савол ортида ечимини кутиб ётган катта-катта муаммолар бор. «Миллий тикланиш» газетасининг ўтган сонида «Миллий таълим йўли» номли мақола ана шу каби саволларнинг жавобларига бағишланган. Мақолада муаллиф бир қанча долзарб масалаларни ўртага ташлаган. Жумладан, олий ўқув юртларида мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанларнинг кўплигига тўхталиб, уларни ўқув дастуридан олиб ташлаш кераклигини айтади. Бизнингча эса, уларни бутунлай олиб ташлаш ярамайди. Чунки бу ҳол салбий асоратларга олиб келиши мумкин. Бунинг бир нечта сабаблари мавжуд. Аввало, таълим-тарбия ишлари бир бутун тизимдан иборат. Шу боис олий ўқув юртлари ҳақида гапиришдан олдин мактаб тизимини таҳлил этиш лозим бўлади. Мактаб таълим-тарбиянинг пойдевори ҳисоблангани учун ҳар қандай ислоҳот дастлаб мактабдан бошланиши керак. Шу нуқтаи назардан олганда, олий ўқув юртларида мутахассисликка доир бўлмаган фанларнинг ўқитилишини обдон ўйлаб кўришни талаб қилади. Дейлик, Техника университетида тарих ёки адабиёт, иқтисодчига ўрмончилик фанларининг ўқитилиши тўғримийўқми, деган саволга дабдурустдан ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам жавоб бериш қийин. Қийинлиги шундаки, мактабда ўқувчи тарих фанининг тўлиқ курсини эгалламагани учун ҳам уни ўқитиш олий



ўқув юртида давом эттирилаётганидадир. Ахир олий ўқув юрти мактабнинг давоми — нисбатан такомиллашган шакли эмасми? Шу жиҳатдан олганда бу тадбир ҳозирча ўзини оқлайди. Шунинг учун мутахассисликка дахлдор бўлмаган фанларни олиб ташлаш эмас, балки имкон қадар қисқартиришга ҳаракат қилиш зарур, деб ўйлаймиз. Бунда, масалан, жисмоний тарбия дарсларини факултатив шаклда, фалсафа фанини эса тўгарак дарсларида ўтиш мумкин бўлади.

Чет тилини ўқитиш масаласига келсак, дунёнинг нуфузли тиллари ҳисобланмиш инглиз, рус, француз тилини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Шарқ халқлари, хусусан, араблар ҳам инглиз тилини ўрганмоқдалар-ку! Бизнингча, масалага реал ёндашиш, тўғри йўлни танлаб олишимизга ёрдам беради. Демоқчимизки, муайян қарор қабул қилишда шарт-шароит ва имкониятларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу маънода ўқув тизимини ислоҳ қилишда дарс ўтиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳозир маърузага асосланган ўқитиш шакли эскирди. Энди мулоқот дарсларига навбат келди. Бу дарсларда ўқитувчи-талаба ўртасида ўзига хос баҳс-мунозаралар бўлади. Ўқитувчи янгиликка, талаба эса фикрлашга интилади. Ишлаб чиқаришдан орқада қолган, янгиликлардан бехабар устознинг алмисоқдан қолган маърузаларини 90 минут давомида мажбуран тинглаб ўтириш даври ўтди. Бизнинг аграр университетимизда ҳозир ҳар бир фандан маъруза матнлари тайёрланиб, талабаларга тарқатилмоқда. Бунинг фойдали томонлари шундан иборатки, бунда талаба ўқитувчининг қандай мавзуни ўтиши, қайси адабиётлардан фойдаланганини олдиндан билади. Чунки маъруза матнида мавзуларнинг қисқача таърифи ва асосий хусусиятлари баён этилган ҳолида адабиётлар рўйхати келтирилган. Изланувчан талаба буларни олдиндан ўқиши ва дарс пайтида ўқитувчи билан мулоқотга киришиши, ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдириши учун шундай қилинган. Бундан ташқари, бу усул дарслик муаммосини ечишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда таълим тизимида яна бир муҳим муаммо янги алифбо ёзувига ўтишдир. Бир неча йилдан кейин бу иш тўлиқ тугалланиши мўлжалланган. Хўш, биз бунга тайёрмизми? Бизнингча, йўқ. Чунки бу ёзувда ўқийдиган ва дарс берадиган ўқитувчилар ниҳоятда кам, қолаверса, дарслик ва китобларнинг нашр этилишини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун таржимачиликни ривожлантириш, иқтидорли ўқитувчиларнинг малакасини ошириш лозим. Токи ўқитиш тизимида бирон-бир узилиш бўлмасин. Шу каби масалаларни назарда тутиб, янги миллий алифбосига ўтиш муддатини узайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шартнома асосида ўқиётган талабалар тақдири ҳам муҳим масалалар сирасига киради. Ушбу масала юзасидан кўплаб баҳс-мунозара қилиш мумкин. Бу ҳақда ҳам муайян тўхтамга келиш фурсати етди. Шартнома пулини янада кўпайтириш керак десак, кўпчилик эътироз билдириши мумкин. Бу аслида нотўғри тушунча.

Бизнингча, шартнома пулини янада кўпайтириш ота-оналарни қийнаб қўйиш баробарида талабаларда пулга, меҳнатга ачиниш ва масъулият ҳиссини пайдо қилади. Шунда улар янада тиришқоқлик билан ўқишади, акс ҳолда эса пулига куйишади. «Шартномани тўлаб қўйганман, буёғи энди ваданг» деб хомхаёл суриб юрган талабаларга бирон-бир ён босиш ҳолларига йўл қўймаслик керакки, токи улар дастурни ўзлаштиролмаган тақдирда ўз ўрнини бўшатиб қўйишга мажбур бўлсин.

Олий ўқув юртларининг ота-оналар билан узлуксиз алоқасини йўлга қўйиш лозим. Ана шунда ота-она ҳар доим фарзандининг ўқишидан хабардор бўлади. Бу эса нафақат талабанинг ўқишида, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқияпман, деб бозор ёки кўча-кўйда юрган айрим болаларнинг қилмишлари фош бўлиши, биринчидан, ўқув шаънини ҳимоя қилади, иккинчидан, бола тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу усул боланинг ҳар томонлама назоратда бўлишини таъминлайди. Ҳозирги пайтда ҳамма масъулиятни олий ўқув юртининг гарданига ташлаб қўйиш билан иш битмайди. Тенг манфаатдорликка асосланган ўзаро ҳамкорлик зарур. Ўқув даргоҳларида маркетинг хизмати ва социологик тадқиқотлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш керак. Шунда талаб ва таклиф лойиҳалари вужудга келади. Бу эса сифат самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Баъзида «фалончи фалон университетни битириб ишсиз юрибди» ёки «фалончи ишни эплолмагани учун бошқа ишга ўтибди», деган гап-сўзларни ҳам эшитиб қоламиз. Бу ниманинг оқибати? Биринчи ҳолда, ўша ерда мутахассис етарли, демак талаб ўрганилмаган. Иккинчи ҳолатда, ёш мутахассис касб сирларини чала ўзлаштирган ёхуд ишни бошқаришни, яъни раҳбарликни билмайди. Бизнинг аграр университетимизда «Раҳбарлик сирлари» деган фан ўқитилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу фанни ўқитувчи эмас, балки вазирлар, ҳокимлар, корхона раҳбарлари ўтишади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтадиган бу дарсларда талабалар ишни бошқариш, назарий билимларини амалиётга жорий этиш, ходимлар билан муомала қилиш каби кўплаб касбий сир-асрорлардан воқиф бўлишади. Шунингдек, бундай мулоқотлар талабаларда раҳбарликка ҳавас ҳиссини уйғотиб, шунга интилишни кучайтиради. Зеро, раҳбар — энг яхши мутахассисдир, деган тушунча ҳар бир фуқаро ва талабанинг онгига сингдириб борилиши керак. Бу рутбага эса фақат яхши ўқиш, изланиш ва меҳнат билан эришилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишда кенг миқёсли чора-тадбирлар билан бирга фидойилик, изланувчанлик ва шахсий ташаббус намуналарини кўрсатиш ҳар бир миллатпарвар инсоннинг виждон ишига айланмоғи лозим. Зеро, баркамол авлод тарбияси келажак асоси демакдир. Келажак эса бугундан бошланади.

**Ҳасан БЎРИЕВ,**
**Тошкент Давлат аграр университетининг ректори, профессор.**

---

# БУЛУТСИЗ ОСМОНДАН КУТИЛГАН ЁМҒИР

## *Ёки журналист нега ҳозиржавоб эмас?*

***Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис I сессиясида сўзлаган нутқида ҳаётимиздаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиб, «тўртинчи ҳокимият» дея эътироф этилаётган соҳа — журналист кадрларнинг замон талабларига ҳозиржавоб эмаслиги, уларга кўпинча илм ва жасорат етишмаслиги хусусида тўхталиб ўтди. Ушбу саволга жавоб қидирсак, аввало соҳа кадрларини тайёрлаб катта ҳаётга учирма қилаётган илм маскани диққатни тортади.***

Куни кечагина Президентимиз Фармони билан янги юксак мақом олган Тошкент Миллий университети журналистика факултети матбуотнинг асосий илм ўчоғи, десак ато бўлмайди. Мазкур даргоҳда истиқлол шарофати билан жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Факултет янги ўқув биносига кўчди. Замонавий компютер, аудио, видео, телестудия, радиостудия билан таъминланди. Нашр имкониятлари пайдо бўлди. Бир қарашда бу замонавий ўқув масканида кучли билим олиш учун ҳамма шароитлар етарли эканлиги кўзга ташланади. Мана шу улкан имкониятлар қанчалар амалий аҳамият касб этяпти? Бу савол кишини ўйга толдиради. Сирасини айтганда, шароитлар яратилган, талабалар тест имтиҳони билан сараланган, ҳеч бир камчилик йўқ. Унда нега матбуот иши қониқтирмаяпти? Нуқсоннинг илдизи қаерда?

«Машқ қанчалик оғир бўлса, жанг шунчалик осон кечади», деган гапни кўпчилигимиз биламиз, албатта. Бироқ амал қилишга келганда-чи? Ҳар доим ҳам қўллайвермаймиз. Журналистика илмгоҳига етишмай турган нарса ҳам шунда. Факултетда журналистик маҳоратни оширишга қулайлик яратилмаган. Биз ўқиш давомида талабалар амалиётини назарда тутамиз. Амалиёт оммавий ахборот воситалари: телевидение, радио ва газеталарда ўтказилади. Факултетда барча қулайликлар бўла туриб, ҳозир ўтилаётган амалиёт ҳеч бир талабани қониқтираётгани йўқ. Талаба газета, журнал, радиода амал-тақал қилиб бир неча хабар чиқаргандан сўнг, қарабсизки, гўё росмана «журналист» бўлиб қолади. Бир айланиб журналист бўлиб қолишдек ҳавойи кўтаринкиликда яшайди. Не ажабки, эски тузум ғоялари тиқиштирилган дарсликлар асосида ўқишади. Айрим ўқув қўлланмалари нашрдан чиққанига 30 йилдан ошди. Ўшандан буён ўзбекча бирор бир назарий қўлланма яратилган эмас. Ҳатто «Чет эл журналистика тарихи», «Ўзбек журналистикаси тарихи» каби дарслардан қўлланма йўқлиги сабабли қисқача изоҳли матн билан кифояланишга тўғри келади. Мустақилликдан кейинги саккиз йилдан бери журналистика соҳасининг илмдонлари нима билан машғул? Аспирантурада ўқиганлар нима билан шуғулланишяпти? Факултетда ёш илм соҳиблари анқонинг уруғидан ҳам кам. Бугун буни тан олмай илож йўқ. Шундай талабалар ҳам борки, микрофон ушламасдан, бирор бир мақолани чуқур таҳлил қилиш лаёқатига эга бўлмасдан дипломли бўлишяпти. Матбуотда бугун журналист мутахассислардан кўра филолог, тарихчи ва файласуф журналистлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу журналист мутахассислар етишмовчилигидан эмас, балки уларнинг сифат кўрсаткичи талаб даражасида эмаслиги далолатидир.

Натижада матбуот қандай қилиб олдга силжиш қилсин. Телевидение, радио, газеталардаги журналист умрининг кўп қисми маҳорат ошириш, техника сир-асрорларини ўрганиш билан ўтса-ю, биз улардан янгича фикр, янгича дунёқараш кутишимиз тўғрими? Бу худди булутсиз осмондан ёмғир кутгандай гап эмасми? Журналистикани битирган шахс ОАВда етилган журналист сифатида иш бошлаши керак эмасми? Ёшлар ваъзхонликни эшитишдан чарчаган, уларга замон билан ҳамнафас бўлиб назария ва амалиётни чамбарчас сингдирмагунча ўз-ўзини овутаётган киши ҳолидан қутулмаймиз. Аудиторияда чиниқмаган, йўналишини тўғриламаган талаба пойдеворсиз бошланган уйдай гап. У қанчалик юқорилайверса, шунчалик хавф сезила бошлайди.

Юртимизда Миллий кадрлар тайёрлаш ва Журналист кадрларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги дастур ишламоқда. Умидбахш ўзгаришлар имкони туғилмоқда. Бундан биз каби ёшларнинг ҳам қувончи чексиз. Чунки Президентимиз айтганидек, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Онгни уйғотмай, янги тафаккурни ўзлаштирмасдан туриб эса биз кўзлаган пировард олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Шундай экан, биз билан мақсаду маслаги бир хил ҳар қандай одам ўз ишининг эртанги ҳолатини ўйлайди. Демократия ва эркинлик даври журналистикани дадилликка чорлаб, ундан холис ҳақиқат мужассам сўзни кутаяпти. Чунки журналист ҳаётнинг одил ҳаками. У шунчалик билимли, виждонли, жасур бўлар экан, демак тараққиёт гуркирашига замин яралади.

**Шавкат ЖАЙРОН**

